

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 4 июнь, Душанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (10.914)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

16
O'ZBEKISTON

Каска сатрларда

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 21-Меҳрибонлик уйида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ўтказилган тадбир «Юрт эртаси — Ватан таянчи» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Халқаро «ЭКО-САН» ташкilotи ташаббуси билан уюштирилган экологик ҳашар Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланди.

● **ЎТГАН** кун Чилонзор туманидаги 331-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар, туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Йўл қондаси — умр фойдаси» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Узинфоинвест» агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар ва Савдо вазирликлари ҳамкорликларида маҳаллий ва Жанубий корейлик ишбилармонлар иштирокида ўтказилган семинарда Жанубий Корей ва Ўзбекистон ўртасида икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш, электр саноатини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

● **БАДИЙ** академиянинг марказий кўرғазмалар залида ўрта мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари ўртасида уюштирилган «Ер кўрасида тинчлик» расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи голиблари тақдирланди.

● **ЎТГАН** кун Ўзбекистон Давлат консерваториясида мусиқа мактаблари, коллежлари, лицейлари ёш ижрочиларнинг республика танлови голибларига эсдалик совғалари топширилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** МДХ халқаро биржалар ассоциациясининг иқтисодий ривожлантириш борасида шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан «Тинчлик» маҳалласида ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлари, фахрийлар иштирок этишди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 228-мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар, ота-оналар иштирокида мактаб ёшига етган болажонлар билан хайрлашув кечаси уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МИЛЛИЙ АВИАЦИЯМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА



ҲАР КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИДАН САМОГА КЎТАРИЛАЁТГАН ҲАВО КЕМАЛАРИ ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ ЙИРИК ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛАДИ. ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИЙДИ.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли мазкур самолётларнинг ишончли ва муваффақиятли парвози, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилиши кўп жиҳатдан уларни бошқараётган мутахассисларга, соҳа кадрларининг салоҳиятига боғлиқ.

Бундан ўн икки йил муқаддам ташкил этилган Тошкент давлат авиация институти мамлакатимиз авиацияси ҳамда авиасозлик корхоналари учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган ягона олий таълим муассасасидир.

— Истиклол йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, замон талабларига мос етуқ кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган, — дейди Тошкент давлат авиация институтининг илмий ишлар бўйича проректори Зоир Шамсиев. — Юртимизда авиасозлик бўйича кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши ҳам ана шундай улкан гамхўрликнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 31 майда қабул қилинган фармонида асосан ташкил этилган мазкур институт зиммасига мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, авиация саноатини ривожлантириш, замонавий авиация техникаси ва технологиясини барпо этиш, парвоз қилувчи аппаратларнинг янги авлодларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни ишлатиш бўйича конструкторлар, технологлар, таъмирловчи ва ишлатувчи кадрлар тайёрлашга доир улкан вазифалар юклатилган.

Тошкент давлат техника университетининг самолётсозлик факультети, Киев ҳалқаро фуқаро авиацияси университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Тошкент авиация техникуми ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ўқув-машғулот маркази негизда барпо этилган мазкур институт нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда ҳам ўз

соҳаси бўйича ягона олий ўқув юрти ҳисобланади.

Айни пайтда институтнинг авиаконот, фуқаро авиацияси, менежмент факультетларида 11 йўналиш бўйича икки мингга яқин талаба таҳсил олмақда. Уларга бир юз тўқсон нафардан зиёд тажрибали профессор-ўқитувчи таълим беради.

Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича биринчи проректор Қаҳрамон Шоназаровнинг айтишича, институтда талабаларнинг таълим олиши, мустақил ўқиб-изланиши ва илмий тадқиқотлар олиб бориши учун етарлича шарт-шароит яратилган. Ўқув-лаборатория, замонавий компьютер хоналари, 400 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва адабиётни ўз ичига олган замонавий кутубхона, ахборот-ресурс маркази, спорт заллари ишлаб турибди. 200 ўринга мўлжалланган шинам талабалар тураржойи ҳам ёшлар ихтиёрида.

Фуқаро авиацияси факультетининг иккинчи босқич талабаси Мухиддин Шодиевнинг таъкидлашича, авиация соҳасида фақат назарий билим олиш билан мақсадга эришиш қийин. Авиация механиги бўлишни ният қилган сирдарёлик бу йигит авиасозликнинг энг мураккаб сирлари ва қўникмалари Бевоситани амалиётда ўрганилади, деб ҳисоблайди.

Шу боис, талабалар институтнинг базавий муассасалари — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекиконот» агентлиги корхоналарида амалиёт ўташ асосида институт аудиторияларида олган билимин мустаҳкамлаб, малакасини оширади. Ҳуқуқни тамомлаган ёш кадрларнинг аксарияти танлов асосида мазкур корхоналарга ишга тақлиф қилинади.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис со-

ҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи бошқа соҳалар сингари жаҳон андозалари асосида фаолият юритаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, институтда ўтган ўқув йилидан бошлаб сервис йўналиши бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Институтда фаолият кўрсатаётган «Ахборот таълим маркази», авиация илмий-техника, маркетинг тадқиқотлари, ўқув-илмий ишлаб чиқариш ҳамда тил марказларида соҳанинг долзарб муаммолари борасида изчил илмий тадқиқотлар олиб борилаётган.

Бундай изланишларнинг самараси ўлароқ институт профессор-ўқитувчилари жамоаси, ёш тадқиқотчилари авиация соҳасидаги янги қирраларни кашф этиш, муаммоларга илмий ечим топишда муайян ютуқларга эришяпти. Техника фанлари доктори, профессор Равшан Сайдахмедов илмий раҳбарлигида ишлаб чиқилган янги инновацион лойиҳа шулар жумласидандир. Соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотган мазкур лойиҳа, айниқса, машинасозлик ва авиасозлик ишлаб чиқариш корхоналари учун кўп функцияли ноструктурални экологик тоза техника воситалари ишлаб чиқаришда ҳар жиҳатдан қўл келиши табиий.

Институт жаҳондаги қатор нуфузли авиация компаниялари ва ўқув-илмий марказлар, жумладан, Санкт-Петербург фуқаро авиацияси академияси, Германия менежмент институти, Москва фуқаро авиация техникаси, Нью-Йорк халқаро бизнес, Сеул, Йосу, Ханкук университетлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Бу институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг хориз тажрибаси билан таълим, бевоситани малака ошириши, ҳамкорликда илмий лойиҳалар ишлаб чиқиши ва ҳаётга таъбиқ этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун муносабати билан «Бахтиёр болалик» номи республика кўрик-танлови ва «Биз баркамол авлодмиз» мавзюида байрам дастури бўлиб ўтди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси ташаббуси билан миллий рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Тошкентдаги Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетига бугунги кунда Марказий Осиёда ягона бўлган электрон кутубхона очилди. Уни яратиш лойиҳаси Корей халқаро ҳамкорлик агентлигининг техникавий ва молиявий кўмаги асосида рўйбга чиқарилди.

● Фузур туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида «Ибратли оила — юрт таянчи» мавзюида адабий кеча уюштирилди.

● Ўтган кун Тошкентдаги МХСК стадионида ўзбек футболнинг ёрқин юлдузи Миржалол Қосимовнинг хайрлашув учрашуви шоу байрами ўтказилди. Эстрада юлдузлари иштирокида ўтган тадбир давомида яшил майдонда Ўзбекистон миллий ва Евроосиё футбол юлдузлари терма жамоалари ўзаро куч синатишди.

● Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деб номланган дўстлик форумида туманда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари, маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

● Тошкент Фотосуратлар уйида Камалидин Бехзод номидаги Миллий рессомлик ва дизайн институти талабаси Севил Алиеванинг шахсий кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда.

● Жиззах вилоят халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий услубият марказининг таъсирли ва амалий санъат лицей-интернати ижодкорлари билан ҳамкорликда ўтказган расмлар кўрғазмаси «Бағрингда камол топдим, жон Ўзбекистон» деб номланди.

● Қорақалпоғистон миллий фольклор дастаси «Айқулаш жулдузлари»нинг Оролбўйи туманлари бўйлаб ижодий сафари бошланди.

● Навоий вилояти, Конимех туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида «Гуллар» кичик корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Унга қасаначилик асосида 20 нафар уй бекалари жалб қилинган бўлиб, аёллар қорақўл терисини қайта ишлаш, ундан иссиқ кийим, телпақлар, шунингдек, чўпонлар учун пойабзал ва махсус кийимларни тикши билан шуғулланмоқдалар.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Президентининг Чехияга ташрифи олдида кеча Прагада минглаб кишилар иштирокида Чехия ва Поляша ракетага қарши мудофаа тизимини ўрнатишга қарши намойишлар бўлиб ўтди.

● Кеча Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида рақ касаллигининг тарқалишига қарши ўтказилган беш километрлик марафон югуришида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ўн мингга яқин аёллар иштирок этди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Косово масаласидаги резолюция лойиҳасини муҳокама қилишни бошлади. Мазкур ҳужжатни АҚШ ва Европа Иттифоқи ҳамкорликда тайёрлаган бўлиб, у БМТнинг махсус вакили Марти Ахтисаари томонидан ишлаб чиқилган режага асосланган.

● Германия ҳукумати 6-8 июнь кунлари Хайлгендам шаҳрида ўтказиладиган «Катта саккизлик» саммити хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 9 июнга қадар амалдаги Шенген келишувини бекор қилиб, қўшни Европа Иттифоқи давлатлари билан чегара назоратини ўрнатди.

● Кеча Германия шимолидаги Росток шаҳрида генетик жиҳатдан модификациялаштирилган махсусотларни етиштиришга қарши антиглобалистларнинг кўп минг кишилик чиқишлари бўлиб ўтди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши раислиги бир ой муддатга Бельгияга топширилди ва шу муносабат билан унинг зиммасига Дарфур, Ливан, Косово ва Эрон атрофидаги вазият каби жаҳон миқёсидаги муаммолар муҳокамасини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

● Сомали пойтахти Могадишодаги мамлакат бош вазири резиденцияси атрофида кеча террорчи каммақдас томонидан содир этилган портлаш оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб кишилар жароҳатланди. Ҳалок бўлган ва жабрланганларнинг кўпчилиги резиденция хизматчиларидир. Ушбу қўпуровчилик ҳаракатини «Ал-Қоида» гуруҳининг амалга оширганлиги тахмин қилинмоқда.

● Жанубий Осетия пойтахти Цхинвалида ичимлик суви муаммоси жиддий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Мана бир неча кундирки, шаҳар аҳолиси тоза ичимлик суви билан бебаҳра. Ушбу муаммо Грузия қишлоқларидан ўтувчи асосий Едис-Цхинвали магистрал сув қувурларида юзага келган носозликдан кейин пайдо бўлган.

ИСТИҚЛОЛДАН РАҒБАТ ОЛАЁТГАН БОЛАЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН «ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ — ЮРТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУИДАГИ АНЬАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар иж-

тимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида голибликни қўлга киритган 56 нафар ўқувчи иштирок этди.

Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази раҳбари Х.Зокированинг таъкидлашича, бугунги болалар истиқлолимиздан том маънода рағбат олиб улғайётган авлоддир. Ҳар бир ишга меҳр, иштиёқ ва фидоийлик ҳисси болалиқдан бошланади.

Шу боис мамлакатимизда ёш авлоднинг орзу-истаги, интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, келгусида улардан етуқ шахслар етишиб чиқиши учун ҳар томонлама шароит яратиш ишига алоҳида эътибор қаратилаётган.

Айни кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам юртимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ижоди билан таништириш баробарида иқтидорларини аниқлаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ватанпарвар, фидоий инсонлар этиб тарбиялаш ишига ҳисса қўшишдир.


Шу мезондан келиб чиқиб, танлов иштирокчилари учта шарт бўйича синёвдан ўтказилди. Улар, жумладан, улуғ мутафаккирларимиз ҳаёти ва ижоди, юртимиз тарихига оид саволларга жавоб бериши, шеър айтиш, расм чизиш, ватанпарварлик ҳақида плакатлар тайёрлаш, ҳайкалчапар ясаш, халқ мақоллари ва ибораларни изоҳлаш ҳамда «Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат» мавзюида ҳикоя ёзиш каби талабларни бажаришди.

Барча шартларни аъло даражада уддалаган Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Азиз Содиков, Сурхондарё ви-

лояти Сарийосиё туманидаги 52-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Умида Одилова, Навоий вилояти Навбахор туманидаги 18-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ситора Хосилова ҳамда Қашқадарё вилояти вакиллари — Косон туманидаги 11-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Зарнигор Рустомова ва 9-синф ўқувчиси Жобир Исмаилов, Китоб туманидаги 25-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Мирозиз Исмомов биринчи ўринни эгалладилар.

Танлов голибларига эсдалик совғалари топширилди. Ёш ижрочилар байрам концерти болаларга янада завқ бағишлади.


(ЎЗА)



СУРАТДА: V Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими.

ЙИГИРМАНЧИ АСР БОШИДА ШВЕЦИЯ СПОРТ КЕНГ ОММАЛАШГАН МАМЛАКАТ ҲИСОБЛАНАРДИ. ШИМОЛДАГИ ДАВЛАТ СПОРТЧИЛАРИ ДАСТЛАБИ ОЛИМПИАДА ҲАМ ЯХШИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТГАН ЭДИЛАР. ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ НАВБАТДАГИ V ОЛИМПИАДА ҲАМ ЯХШИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТГАН ЭДИЛАР. ШИМОЛДАГИ ДАВЛАТ СПОРТЧИЛАРИ ДАСТЛАБИ ОЛИМПИАДА ҲАМ ЯХШИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТГАН ЭДИЛАР. ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ НАВБАТДАГИ V ОЛИМПИАДА ҲАМ ЯХШИ НАТИЖАЛАР КЎРСАТГАН ЭДИЛАР.

Ташкилотчилар ўйинлар ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли ўтиши учун пухта дастур ишлаб чиқиб, уни изчил амалга оширдилар. Шведлар ўз мамлакатлари пойтахтида стадионни бўлган, спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар, бошқа оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш имконини берадиган йирик спорт мажмуаси барпо этилар. Стадионни ҳатто жуда қисқа муддатда то мусобақалари ўтказиладиган отчопарга айлантириш имконияти ҳам кўзда тутилган эди.



СУРАТДА: икки карра Олимпиада чемпиони америкалик Жим Торп.

Стюкгольмда илк мартаба Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилди.

V Олимпиада ўйинларида биринчи марта Миср, Люксембург, Португалия, Сербия, Япония спортчилари иштирок этидилар. Стюкгольмга умуман 28 мамлакатдан 2541 нафар, шу жумладан 57 спортчи аёл келди. Энг йирик миллий терма жамоалардан бири Россия бўлиб, унинг таркибида 169 (баъзи маълумотларга кўра 178) олимпиадани бор эди.

Ташкилотчилар ўйин дастуридан спортнинг бокс, эркин кураш, оғир атлетика, чим устида хоккей, фигурали учув ва камондан отиш турларини чиқариб ташладилар. Аммо беллашувлар сони ҳам эмасди. Олимпиадани Стюкгольмда 102 та медаллар комплекти учун кураш

олиб боришди. 1912 йил 5 майдан 22 июлгача давом этган Олимпиадада аввалги ўйинларда бўлгани каби энгил атлетика бўйича мусобақалар марказий ўринни эгалладилар. Улар дастурига биринчи марта 5000 ва 10000 метрга югуриш, 4x100 ва 4x400 метрга эстафета киритилди. Югуриш мусобақаларида голибларни аниқлашда илк бор фотофинишдан ҳам фойдаланила бошландилар.

5000 метрга югуриш бўйича мусобақалар ўта қизиқarli ўтди. Саралаш босқичларида франциялик Жан Буэн энг юқори натижа кўрсатди. Ҳамма уни голиб чиқади деган фикрда эди. Аммо финалда фин Ханнес Колемайнен унга муносиб рақиб эканлигини намойиш қилди. Бу икки спортчи бошқа рақибларини анча ортда қолдириб, бир сафар француз, иккинчи бор фин олдинга чиқиб, марра сари интилардилар. Сўнги 20 метрда Ханнес Колемайнен шиддат билан олдинга ташлаиб, рақибдан бир лаҳзагина олдин финиш чизигини кесиб ўтишга муваффақ бўлди. У 10 000 метрга югуриш, 2 километр масофага кроссда ҳам голиб чиқиб, уч карра чемпион сифатида шарафландилар.


Халқаро Олимпиа Қўмитаси Президенти Пьер де Кубертен Жан Буэнга 5000 метрга югуришда иккинчи ўрин учун олган кумуш медални топширар экан ватандоши кўнглини кўтариш мақсадида "Сизнинг мағлубиятингиз галаба билан тенг", деди. "Галаба? Мен албатта уни кўлга киритаман, — жавоб қилди мағрурлик билан франциялик спортчи. — Ҳатто ўзим голиб чиқмаган тақдиримда ҳам бошқа француз албатта мен учун ўлади".

Ха, французлар жамоадошлари қатъий ишончини тўла-тўқис оқлай олдилар. Улар биргина от спорти мусобақаларида кўш олтин медални кўлга киритдилар. Энгил атлетика мусобақаларида эса бошқа мамлакатлар олимпиадчилари галаба нашидасини сурдилар. АҚШ спортчиларидан Рольф Крэг 100 метрга, Фред Келли 110 метрга тўсиқлар оша югуришда, Патрик Мак-Дональд ядро улоқтиришда олтин медални кўлга киритган бўлсаларда, америкаликлар бу сафар аввалги Олимпиадаларда бўлганидек мутлақ устунликларини намойиш эта олмадилар. Стюкгольмда шведлардан Х.Виксландер ўнкурашда, Э.Лемминг найза улоқтиришда, Г.Линдблум уч хатлаб сакрашда, Жанубий африкалик К.Мак-Артур марафонда, юнон К.Циклитрас жойидан туриб узунликка сакрашда, фин А.Тайпале диск улоқтиришда, канадалик Д.Гоулдинг 10 километрга спортча юришда, инглиз А.Жексон 1500 метрга югуришда, норвегиялик Ф.Бье бешкурашда Олимпиада чемпионлари бўлдилар.

Энгил атлетика бўйича беш кураш ва ўнкурашда америкалик Жим Торпга тенг келадиганлар топилмади. Унинг ўнкурашдаги натижаси рекорд сифатида даҳлсиз турди. Швеция қироли Густав V Жим Торпни Стокгольм Олимпиадасининг энг яхши спортчиси, деб эътироф этди.

Аммо АҚШ Миллий олимпиа қўмитаси уни ҳаваскор спортчи мақомини бузганлиқда айблаб (Торп профессионал бўлиб Олимпиадада эришган натижаларини бекор қилиш таклифи билан чиқди ва афсуски, ХОҚ бу таклифни қабул қилди. Лекин гап Жим Торпнинг профессионал клуб ўйинчиси эканлигида эмас, балки қоратлаги хиндулигида эди. Уни Олимпиада чемпиони унвонидан қандай қилиб бўлса ҳам маҳрум қилишга АҚШ ирқчилари бош-қош бўлган эдилар. Жим Торпга нисбатан ҳақиқат буқилса

Уолтер Уинаннинг "Америкалик сайёҳ" ҳайкалининг олтин медалга муносиб топди. Адабиёт соҳасидаги олтин медал эса "Спортга қасида"га берилди. Танловга уни франциялик Жорж Хород ва немис Мартин Эшбах юборганлар, деб кўрсатилган эди.



СУРАТДА: Стокгольм Олимпиадасида фин А.Асиқайнен билан россиялик курашчи М.Клейн ўртасида ярим финал беллашуви 10 соатдан кўпроқ давом этди.

Холбуки, бу тахаллус ортида Халқаро Олимпиа Қўмитаси Президенти барон Пьер де Кубертен яширинган экан. Мазкур танлов спорт билан санъатни ажратиб бўлмаслигини, улар уйғун эканлигини яна бир марта ёркин намойиш этди. Жисмоний кучи, энциллиги, чақонлиги, гўзаллигини спорт майдонинда ёркин намойиш этган спортчилар ижод аҳли томонидан куй, шеър, рангтасвиру ҳайкалларда мадҳ этилди.

Комилликка интилиш юртимизда ҳам ёшларни спорт майдонларига чорларди. 1913 йилда Тошкентда бутун Туркистонда энг йирик ҳисобланган Спорт ҳаваскорлари жамияти тузилди. Жамиятда футбол, энгил атлетика, теннис бўлимлари мавжуд эди.

Спорт тобора оммалашиб бораётганлиги сабабли мохир спортчиларни тарбияладиган устозларнинг етишмаслиги жуда сезилиб қолди. Бу инobatга олиниб, 1915 йилда Тошкентда гимнастика ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича биринчи курс очилди. Худди шу йиллари юртимизда сув спорти турлари ҳам ривожлана бошлади.

Бошқача қилиб айтганда ўша вақтлардаёқ Ўзбекистонда спортнинг деярли барча Олимпиада турлари тарқалган, улар бўйича ўйинларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир мохир ва истеъдодли спортчилар ҳам топиларди. Бироқ нафақат Олимпиада, балки жаҳон ҳаракатининг танловга тақдим этилган. Нуфузли ҳайъат швейцариялик меъморлар Анри Моно ва



СУРАТДА: бешинчи Олимпиада ўйинларининг эсдалик нишони.

тлардаёқ Ўзбекистонда спортнинг деярли барча Олимпиада турлари тарқалган, улар бўйича ўйинларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир мохир ва истеъдодли спортчилар ҳам топиларди. Бироқ нафақат Олимпиада, балки жаҳон ҳаракатининг танловга тақдим этилган. Нуфузли ҳайъат швейцариялик меъморлар Анри Моно ва

Эркин ЭРНАЗАРОВ

ОЛИМПИАДА: БИРИНЧИДАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИГАЧА СПОРТ ВА САНЪАТ УЙҒУНЛИГИ

фигрда эди. Аммо финалда фин Ханнес Колемайнен унга муносиб рақиб эканлигини намойиш қилди. Бу икки спортчи бошқа рақибларини анча ортда қолдириб, бир сафар француз, иккинчи бор фин олдинга чиқиб, марра сари интилардилар. Сўнги 20 метрда Ханнес Колемайнен шиддат билан олдинга ташлаиб, рақибдан бир лаҳзагина олдин финиш чизигини кесиб ўтишга муваффақ бўлди. У 10 000 метрга югуриш, 2 километр масофага кроссда ҳам голиб чиқиб, уч карра чемпион сифатида шарафландилар.

Халқаро Олимпиа Қўмитаси Президенти Пьер де Кубертен Жан Буэнга 5000 метрга югуришда иккинчи ўрин учун олган кумуш медални топширар экан ватандоши кўнглини кўтариш мақсадида "Сизнинг мағлубиятингиз галаба билан тенг", деди. "Галаба? Мен албатта уни кўлга киритаман, — жавоб қилди мағрурлик билан франциялик спортчи. — Ҳатто ўзим голиб чиқмаган тақдиримда ҳам бошқа француз албатта мен учун ўлади".

Ха, французлар жамоадошлари қатъий ишончини тўла-тўқис оқлай олдилар. Улар биргина от спорти мусобақаларида кўш олтин медални кўлга киритдилар.

Энгил атлетика мусобақаларида эса бошқа мамлакатлар олимпиадчилари галаба нашидасини сурдилар. АҚШ спортчиларидан Рольф Крэг 100 метрга, Фред Келли 110 метрга тўсиқлар оша югуришда, Патрик Мак-Дональд ядро улоқтиришда олтин медални кўлга киритган бўлсаларда, америкаликлар бу сафар аввалги Олимпиадаларда бўлганидек мутлақ устунликларини намойиш эта олмадилар. Стюкгольмда шведлардан Х.Виксландер ўнкурашда, Э.Лемминг найза улоқтиришда, Г.Линдблум уч хатлаб сакрашда, Жанубий африкалик К.Мак-Артур марафонда, юнон К.Циклитрас жойидан туриб узунликка сакрашда, фин А.Тайпале диск улоқтиришда, канадалик Д.Гоулдинг 10 километрга спортча юришда, инглиз А.Жексон 1500 метрга югуришда, норвегиялик Ф.Бье бешкурашда Олимпиада чемпионлари бўлдилар.

Энгил атлетика бўйича беш кураш ва ўнкурашда америкалик Жим Торпга тенг келадиганлар топилмади. Унинг ўнкурашдаги натижаси рекорд сифатида даҳлсиз турди. Швеция қироли Густав V Жим Торпни Стокгольм Олимпиадасининг энг яхши спортчиси, деб эътироф этди.

Аммо АҚШ Миллий олимпиа қўмитаси уни ҳаваскор спортчи мақомини бузганлиқда айблаб (Торп профессионал бўлиб Олимпиадада эришган натижаларини бекор қилиш таклифи билан чиқди ва афсуски, ХОҚ бу таклифни қабул қилди. Лекин гап Жим Торпнинг профессионал клуб ўйинчиси эканлигида эмас, балки қоратлаги хиндулигида эди. Уни Олимпиада чемпиони унвонидан қандай қилиб бўлса ҳам маҳрум қилишга АҚШ ирқчилари бош-қош бўлган эдилар. Жим Торпга нисбатан ҳақиқат буқилса

Уолтер Уинаннинг "Америкалик сайёҳ" ҳайкалининг олтин медалга муносиб топди. Адабиёт соҳасидаги олтин медал эса "Спортга қасида"га берилди. Танловга уни франциялик Жорж Хород ва немис Мартин Эшбах юборганлар, деб кўрсатилган эди.

Холбуки, бу тахаллус ортида Халқаро Олимпиа Қўмитаси Президенти барон Пьер де Кубертен яширинган экан. Мазкур танлов спорт билан санъатни ажратиб бўлмаслигини, улар уйғун эканлигини яна бир марта ёркин намойиш этди. Жисмоний кучи, энциллиги, чақонлиги, гўзаллигини спорт майдонинда ёркин намойиш этган спортчилар ижод аҳли томонидан куй, шеър, рангтасвиру ҳайкалларда мадҳ этилди.

Комилликка интилиш юртимизда ҳам ёшларни спорт майдонларига чорларди. 1913 йилда Тошкентда бутун Туркистонда энг йирик ҳисобланган Спорт ҳаваскорлари жамияти тузилди. Жамиятда футбол, энгил атлетика, теннис бўлимлари мавжуд эди.

Спорт тобора оммалашиб бораётганлиги сабабли мохир спортчиларни тарбияладиган устозларнинг етишмаслиги жуда сезилиб қолди. Бу инobatга олиниб, 1915 йилда Тошкентда гимнастика ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича биринчи курс очилди. Худди шу йиллари юртимизда сув спорти турлари ҳам ривожлана бошлади.

Бошқача қилиб айтганда ўша вақтлардаёқ Ўзбекистонда спортнинг деярли барча Олимпиада турлари тарқалган, улар бўйича ўйинларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир мохир ва истеъдодли спортчилар ҳам топиларди. Бироқ нафақат Олимпиада, балки жаҳон ҳаракатининг танловга тақдим этилган. Нуфузли ҳайъат швейцариялик меъморлар Анри Моно ва

тлардаёқ Ўзбекистонда спортнинг деярли барча Олимпиада турлари тарқалган, улар бўйича ўйинларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир мохир ва истеъдодли спортчилар ҳам топиларди. Бироқ нафақат Олимпиада, балки жаҳон ҳаракатининг танловга тақдим этилган. Нуфузли ҳайъат швейцариялик меъморлар Анри Моно ва

Эркин ЭРНАЗАРОВ

РАСМЛАРДА ЮРТ ЖАМОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА БОЛАЛАРНИНГ 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН РАСМЛАРИ КЎРИК-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Танлов "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Халқ таълими вазирлиги, Болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиёев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар саломатлигини мухтамаклаш, уларга пухта таълим-тарбия бериш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидладилар.

Ушбу аънанавий кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар иштирок этди. Танлов учун тақдим этилган расмларда болаларнинг она-Ватан, атроф-олам ҳақидаги тасаввурлари, бегубор орзу-умидлари содда ва самимий тарзда, ёркин бўёқларда акс эттирилгани билан аҳамиятлидир.

Қўрик натижаларига кўра, пойтахтимиздаги 94-мактаб ўқувчиси Сабина Пулатова, Андижон вилояти, Бўлобоши тумани, 16-мактаб ўқувчиси Нозимжон Раҳмонов, Фарғонадаги 2-мактаб ўқувчиси Далер Бурҳонов каби йигирма нафар иштирокчи танловнинг турли йўналиш ва номинациялари бўйича голиб деб топилди.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНАДИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЛАБЛАРИНИ ТЎҒРИ АНГЛАГАН БУГУНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ—ТАДБИРКОР ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТМОҚДА.

—Шунинг баробарида сифатга берилган муҳим аҳамият буюртмачилар сафи кенгайишида, корхона нуфузи ортишида, эл-юртга танилишида катта роль ўйнайди,—деди «AMIN МEBEL» масъулияти чекланган жамияти менежери Мухтор Бобомуродов.—Корхонамизнинг иш бошлаганига ҳали бир йил тўлмасида ўзимиз тайёрлаган мебель маҳсулотларини Қозғоғистон ва Қирғизистон давлатлари ҳам сотаяпмиз. Бунинг учун эса нафақат ички, балки қўшни давлатлар бозорини ҳам ўрганмоқдамиз. Негаки бозорни, харидор нимади хоҳлашини ўрганмасдан, қандай маҳсулот зарурлигини билмай туриб муваффақият қозониб бўлмайди. Шу боис ҳам биз ўз олдимишга қўйган аниқ мақсад ва режалар асосида ишлаймиз.

Хозирда 15 нафар малакали мебелсоз меҳнат қилаётган ушбу жамоада офис, ошхона, ётоқхона, болалар, кириш йўлаклари мебеллари ҳамда эшиклар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг дилерлари эса республикамиз бўйича фаолият кўрсатиб, харидорларни сифатли мебеллар билан таъминлашда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини оширишни кўзда тутиган тадбиркорлар замонавий дастгоҳ ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланган ҳолда алюмин-пластик эшик-роملар тайёрлашни режалаш туришибди.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН

МАМЛАКАТИМИЗ БОЙЛИГИ БЎЛГАН ПАХТА ИПЛАКДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТРИКОТАЖ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИ БОЗОРЛАРИМИЗ ПЕШАХТАЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ БАРОБАРИДА СИФАТИ ВА КЎРИНИШИ БИЛАН ХАРИДОРЛАРИМИЗГА МАЪҚУЛ БЎЛМОҚДА.

«GRAND APEX» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бир неча йилдан буён эркаклар, аёллар, болалар устки трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Буларнинг кўндалари корхонада ишлаб чиқариладиган кийим-кечаклар тури 30 хилдан ортиб кетди. Уларнинг барчаси сертифициланган бўлиб, бозор ва харидор талаби асосида тайёрланмоқда. Цехларга ўрнатилган Россия ва Хитойнинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда қўл келадиган дастгоҳ ва ускуналари ёрдамида юртимизда чет эллик ҳамкорлар билан ташкил этилган «Алким текстиль», «Байтекс тижорат» қўшма корхоналарида тайёрланган турли матолардан фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини кўнайтиришга эришмоқда.

Туркиялик ҳамкорлар билан алоқаларни янада мухтамаклашга интиляётган тадбиркорлар қўшма корхона ташкил этишни ният қилишган. Бунинг учун эса айни пайтда янги бино қурилиши бошлаб юборилди. Замонавий линия ва дастгоҳлар билан жиҳозланган қўшма корхонанинг ишга тушиши натижасида ўнлаб ёшлар иш билан таъминланади ҳамда асосий мақсад—экспортга маҳсулот чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, корхонанинг фирма дўкони ҳам харидорларга хизмат кўрсатиши кўзда тутилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Фан

ИНСТИТУТ — 40 ЁШДА

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЭЛЕКТРОНИКА ФАНИ ҲАМ КЕНГ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАСАРУФИДАГИ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ ЭСА АНА ШУ ИЛМИЙ ЖАРАЁННИНГ БОШИДА ТУРИБДИ.

Мазкур тадқиқот ўчоғи ўзининг 40 йиллигини нишонлади. 1967 йилда ташкил топган институт ўтган шу даврда йирик илм-фан марказига айланди. Атом ва молекуляр зарралар ва плазманинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири натижасида содир бўладиган физик жараёнлар ҳамда ҳодисаларни тадқиқ этиш борасида кўплаб илмий излашлар олиб борилди. Пахта толаси ва чигитнинг шаклланиш қонуниятларини, уларнинг тузилмаси ва физик хossalарини аниқлаш билан боғлиқ технологиялар янада тақомиллаштирилди. Бундай янги ихтиро эса Ўзбекистон Давлат муқофотида сазовор бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Конунларимизни ўрганамиз

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА БАНК ТИЗИМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ НИХОЯТДА МУҲИМДИР. ЧУНКИ БАНК ТИЗИМИ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТ МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Банк тизимидан иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляция (пул қадрсизланиши) ва тўлов балансини тартибга солиш каби жорий ва устувор вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади. Жаҳон амалиётида молия-кредит муассасалари томонидан ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматлар хусусияти бўйича кредит тизимининг уч муҳим элементи ажратилади.

Банк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ соҳалари ичидаги энг муҳим ва ривожланиб келаётган ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хозирги кунда Республикаимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банк ҳуқуқининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Банк ҳуқуқи жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш талабларига тўлиқ жавоб берадиган миллий молиявий сиёсатни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ва унинг самардорлигини оширишга қаратилгандир. Банк ҳуқуқи соҳаси ўзининг нормалари билан бозор иқтисодиёти шароитида ҳужжатли юриштирини янги шаклланининг вужудга келиши, уларнинг ривожланиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатишини амалий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Иқтисодиётимизда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришимиз ва кенгайтиришимиз даркор», деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Шу боисдан ҳам банк тизимининг тавсифлари Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»-ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топгандир. Мазкур моддага кўра банк — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

Хозирги кунда Республикаимизда банк тизimini ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Чунинки республика ҳудудида 34 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг жойларда 800 тадан ортиқ филиаллари мавжуддир. Мазкур банклардан бештасида банк устав сармоясида давлатнинг улуши 25 фоиздан ортиқдир. Акцияларнинг асосий назорат пакети давлатга қаршилик бўлган корхоналар, уюшмалар, холдинглари ва иттифоқлар йирик акциядорлик-тижорат банкларининг асосий муассаслари ҳисобланадилар. Шу сабабдан аҳолининг, хусусий тадбиркорларнинг, кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг, шунингдек хорижий инвесторларнинг

тижорат банклари сармоясида қатнашишини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу банкларни бошқаришда бозор иқтисодиёти учун муҳим бўлган хусусий мулкдорнинг манфаатини ишга тушириш имконини беради.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизimini янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 2000 йил 21 мартдаги Фармони ҳамда мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 24 мартда қабул қилинган қарор асосида банк тизimini ривожлантиришни рағбатлантириш, бўш маблағларни банк муомаласига жалб қилиш ва банкларнинг иқтисодиётнинг аниқ секторини ишлаётган корхоналарни кредитлаш бўйича имкониятларини кенгайтириш, банкларнинг мустақиллигини таъминлаш ва аҳолининг молия-банк тизимига бўлган ишончини ошириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар белгиланб берилди.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»-ги Қонунининг 7-моддасига асосан, банклар, қоида тарихида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Хусусий банк — муассислар — жисмоний шахслар улуши устав капиталининг 50 фоизидан кам бўлмаган улушини ташкил этиб, унинг қолган қисми нодавлат юридик шахсларга тегишли бўлган банкдир.

Хозирги кунда мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида банк тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, унинг молиявий барқарор бўлиб ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни оқилона тарзда ҳал этиш лозим бўлади.

Оттабек БОБОЖОНОВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Кимга кўнглинг тортса, ўлтир ёнма-ён.

Келса бошинга балойи ногаҳон, Яхшиликка йўй уни сен бегумон.

Ўзгалар кўркүв-ла саргайган замон, Қаршила гўлдек кулиб суду зиён.

Боқки, гулнинг юлсалар ҳам баргини, Кулгисин кўймайди, эгмас қаддини.

Дер: тикандин гам агар келса, не гам, Кулгини ушбу тикандин топмишам.

Сен йўқотсанг гар бирор-бир нарсани, Бир фалокатдин халос этмиш сани.

Сўрдилар: устоз, тасаввуф не эмиш? Деди: гам келганда феълни кенг қилиш.

Мустажобдир ҳар дуойи илтижо.

Чунҳавойи орзулардин гам келур, Ўлжа бўлғай шул тарих шайтонга ул.

Одамий юксалди айлаб ихтиёр, Яرمىси болари бўлди, ярми мор.

Мўмин ул кони асал эрмиш басае, Кофир ул кони заҳар эрмиш басае.

Боқки, мўмин ҳар неким ейдир, ҳалол, Ул сабабдин ҳосили илкида—бол.

Боқки, кофир ҳар неким ейдир, ҳаром, Ҳосили андин заҳар эрмиш тамом.

Чунки қудрат кетса, ожиздир амал, Кўзни оч, сармоя олмастдин ажал.

Қудратинг бордир—ани харж айлагил, Қудратинг борида ўзни шайлагил.

Аҳли дарвешга бало аңдоқ эмиш, Жисми гар қйналса, жони соғ эмиш.

То бола олдида олма кўрмагай, Илкидин сассиқ пиёзни кўймагай.

Бул жаҳонда бир саломе бўлмагай— Ки, келиб сўнгра яқодин олмагай.

Бас, риёзат чек, риёзат изла боз, Тани хизматга буюрсанг, жон халос.

Пўсти эрмас, меванинг мағзи ширин.

Тиғи шамширға не эрмиш ёшу пир, Ёшу пирни билмағайдир тиғу тир.

Эй, ўлимдин мунча кўрқарсен ўзинг, Сен ўзингдин кўрқадирсен, оч кўзинг.

Бас, ўзингандир ҳама яхши-ёмон, Хушлиғу нохушлиқ ҳам—сендин ҳамон.

Бас, дарахт экдинг, оларсен мева ҳам.

Сен қўлинг-ла берганинг хайру закот, Ул тарафларда бўлур нахлу набот.

Бунда гар этсанг бировга захму зулм, Унда бўлғайдир сенга захру заққум.

Қаҳр ила дилларга оташ отганинг, Ул жаҳаннам ичра оташ ёққанинг.

Ваъда айлаб, эртага дерсан нукул, Қон ютиб, маҳшарда ўлтиргонинг ул.

Қаҳру захринг ул жаҳаннам ўтидир, Оч кўзингни, ул жаҳаннамини ўчир.

...сабр бирлан мурод ҳосил бўлур.

Жилдираб жилға оқаркан бардавом, Айнимас асло, мусаффордир мудом.

Сабру бардошдин келур бахту самар, Ул-тухум, давлат-қанотли куш магар.

Гар илоннинг тухми чумчуқ тухмидай, Ўртада фарку масофа бир талай.

Олмаю нок ичра ўхшайдир уруғ, Лек уларда бор тафовут, эй улуг.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

1 июнь — Халқор болаларни химоя қилиш кўни муносабати билан Тошкент хайвонот боғига келаётган болажонлар хотирасида ҳам бу кун унутилмас бўлиб қолса ажабмас. Болажонларнинг фақатгина мультфильм, расмлар орқали кўрган хайвонларни жонли, ўз кўзи билан кўришидаги ҳаяжонни, завқни, кўзларидagi хайрат ва кўркүв аралаш хурсандчилиқни ҳеч қандай сўз билан ифода қила олмайди...

Тошкент хайвонот боғи нафақат Ўрта Осиё, балки МДХ давлатлари орасида ҳам нуфузи, бой тажрибаси билан ажралиб туради. Бугунги кунда боғ нафақат пойтахтлик, балки узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг ҳам сеvimли масканига айланган.

Байрам баҳона хайвонот боғини томоша қилар эканмиз, бу ерда болажонлар ва дам олувчиларнинг мириқиб хордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилганлигига гувоҳ бўлдик. Турли ширинлик ва музқаймоқ, салқин ичимликлар шахобчалари, аттракционлар дам олувчилар ихтиёрида. Сўлим табият қуршоғига кириб борар экансиз, табият манзараси ва турли хайвонлар ҳайбатидан завқланасиз.

— Хайвонот боғини томоша қилиш нафақат ўқувчиларга, балки ўзимга ҳам завқ бағишлади, — дейди Ҳамза туманидаги 206-ўрта мактаб ўқитувчиси Қўйсина Азимова. — Бу ерда дам олувчилар ва болаларнинг хордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Айниса, боғда болалар хайвонот олами билан танишишдан ташка-

ри турли хилдаги аттракционлар хизмати-дан фойдаланишлари мумкин. Боғдаги хайвонларнинг тури йилдан-йилга кўпаяётганлиги эса ёш авлоднинг табият ҳақидаги, хайвонот олами ҳақидаги билимини шунча-

билан бунёд этилган, — дейди Тошкент хайвонот боғининг илмий ишлар бўйича бош-лик ўринбосари, биология фанлари номзо-ди Азиз Ирисметов. — Авалги боғ Ҳамид Олимжон кўчасида жойлашган бўлиб, май-

дан ҳамкорлик қилинган. Хусусан, яқинда Малайзиядан иккита фил олиб келинди. Хайвонот боғини айланб чиқиш учун у кило-метрга яқин йўл юриш лозим. Томошабин-ларни қизиқтириш учун хайвонларнинг ҳай-каллари ҳам кўйилган. Айни пайтда боғдаги хайвонот оламини яна кенгайтириш мақса-дида кўпгина хорижий давлатлар, жумладан Осиё ва Европадаги 83 та хайвонот боғи билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Мазкур саёй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, яқин кунларда яна 32 турга яқин хайвонлар олиб келинади.

— «Халқор болаларни химоя қилиш кўни» муносабати билан хайвонот боғи Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда кўлаб тадбирларни ўтказиб келади, — дейди Азиз ака. — Хусусан етим, ногирон, кам таъмин-ланган оила фарзандлари боғдаги барча ўйин қурилмаларидан бепул фойдалани-шади. Жорий йилда ҳам мазкур аънъани давом эттирган ҳолда, 25 майдан 5 июнга қадар тўрт ярим мингга яқин меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногирон бола-лар навбат билан келиб дам олиши режа-лаштирилган. Ундан ташқари байрам му-носабати билан болалар учун турли мада-ний тадбирлар ҳам ташкил қилинмоқда. Айни пайтда боғимизда ёш болалар учун табият-шунос тўрагаги ташкил қилинган. Унда бо-лалар хайвонлар табиятини, яшаш шароит-ини яқиндан ўрганишади.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

БОЛАЛИКДАГИ ВОҚЕАЛАР, САРГУЗАШЛАР КИШИ ХОТИРАСИДА БИР УМР МУҲРАНИБ ҚОЛАДИ ДЕЙИШАДИ. 4-5 ЁШЛИ ФАРЗАНДИГА ТУГИЛГАН КУНИ ЁКИ БАЙРАМ БАҲОНАСИДА ЁҚТИРГАН ЎЙИНЧОҒИНИ ОЛИБ БЕРСАНГИЗ, ЙИЛЛАР ЎТСАДА ЭСИДАН ЧИҚАРМАЙДИ.

лик оширади. Бугунги саёхат давомида болажонлар жуда кўлаб хайвонларни ўз кўзла-ри билан кўришди. Шер, йўлбарс, айқ, бўри, шоқол, қолпон, жайра, бўрсиқ, тулки, денгиз чўққаси, зебра, гепард, амур йўлбар-си, пума, силовсин, фил, туя, бегемот, айқ, лама ва бошқа ноёб — қизил китобга кири-тилган хайвонларни жонли кўрган болалар хайратини сўз билан тасвирлаш қийин. Ал-батта, бу каби хайрли тадбирлар болаларни табиятга меҳр қўйиб, хайвонларни ас-рашга, эъозлашга ўргатади.

— Тошкент хайвонот боғи 1924 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг (Миллий уни-верситет) малакали биологлари ташаббуси

дони бор йўғи икки гектарни ташкил қил-ган. 1993 йили Вазирилар Маққамасининг қарорига кўра Ботаника боғидаги бўш ётган майдонда янги хайвонот боғи барпо этил-ди. 22 гектар майдонни эгаллаган боғнинг таҳминан 15 гектари хайвонлар учун ажра-тилган. Сўнги ўн йил ичида боғда 8 мингдан ортиқ мевали дарахтлар экилди, кўлаб аттракционлар олиб келинди.

Азиз аканинг таъкидлашича, 1997 йилда хайвонот боғида бор йўғи 85 турдаги хай-вонлар сақланар эди. Ҳозирда 439 турдаги хайвонлар парваришланмоқда. Уларнинг ту-рини янада кўпайтириш мақсадида хорижий давлатлар хайвонот боғлари билан яқин-

ШАҲРИМИЗДАГИ ЮНАКИЙ НОМЛИ СПОРТ МАЖМУАСИДА 4-МАХСУС БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ СПОРТ МАКТАБИНИНГ ИҚТИДОРЛИ МУРАББИЙ ДОНИЯ ШОАҲМЕДОВНИНГ БОЛАЖОНЛАРГА БАДИЙ ГИМНАСТИКАДАН САБОҚ БЕРАЁТГАНИГА АТИГИ 2 ЙИЛ ЎТГАН БЎЛСА-ДА, ШУ ҚИСКА ВАҚТ ИЧИДА У ШОҒИРДЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИНИНГ МЕҲРИНИ ҚОЗОНИШГА МУВАФАҚ БЎЛДИ.



Болалар спорти ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

катта спортга бўлган қизиқининг ортиши, келгусида эса албатта улар сафидан чемпи-онларнинг етишиб чиқишида муҳим омил бўлиши, табиий. Зеро, қизалоқларнинг ба-дий гимнастика элементларини қанчалик қизиқиш билан ўзлаштиришаётгани, хозир-ча оддийроқ бўлсада ўрганган машқларини жўшқинлик билан бажаришаётганини кўриб, шундай хулосага келдик.

— Қўл остимда 6 ёшгача бўлган қизлар шугулланаётгани учун бутун машғулотларим-ни улар машқларни қизиқиб бажаришлари, шу билан бирга дугоналарини ҳам кўлаб-қувватлашлари учун ўйин шаклида ўтказишга ҳаракат қиламан, — дейди биз билан суҳ-батда Дония Шохмедова. — Зеро, бола қан-дайдир машқни ўзлаштира, уни ўртоқла-рига кўрсата бошлайди. Улар ҳам ўз навба-тида дугоналарига етиб олишга ҳаракат қилишади. Болаларни жонли-дилдан яхши кўришим туяйли машғулотларим уларда қизиқиш уйғотишини истайман. Кўчада юр-гандан кўра ёшларнинг спорт залида ўз са-ломатликларини мустаҳкамлашлари яхши-да.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: иқтидорли мураббий Дония Шохмедованинг машғулотлари доимо мана шундай қизиқари ўтади. Александр Попов олган суратлар

Шифокор маслаҳати ТАМАКИДАН ВОЗ КЕЧИНГ!

ИНСОН СОҒЛИҒИНИНГ ЭНГ АШАДДИЙ ДУШМАНЛАРИДАН БИРИ ТАМАКИ ЧЕКИШДИР. ТАМАКИ ЧЕКИШИНИНГ ЗАРАРИ Тўғрисида ЖУДА Кўп гаплар гапирилади, лекин БАРИБИР БУ ОФАТ, БУ ИЛЛАТ КўПАЙИБ БОРМОҚДА.

Чеккишга ўрганишнинг энг асосий сабабларидан бири, унга қизиқишдир. Кўпича ўспиринлар катталарга тақдир қиладилар, ўзларини катта кўрсатмоқчи бўлиб чекадилар. Одатда тамакни чеккиш натижа-сида мия қон томирлари бир оз кенгайди, шу туфайли че-кувчиларда гўё қандайдир янги куч пайдо бўлгандек тую-лади. Тамакнинг бу хусу-сияти жуда қисқа бўлиб, бир неча дақиқалардан кейинроқ миянинг кенгайган қон томир-лари кескин тораёди ва толиқ-шув ҳосил бўлади. Тамакни ёниши натижа-сида нафас йўллари-га захарли таъсир эти-ши мумкин бўлган захарли кислоталар, 20 дан ортиқ ал-колоидлар, 27 хил алдегид-лар, кетонлар, 80 хил рақни келтириб чиқариши мумкин бўлган бирикмалар ва радио-актив моддалар ҳосил бўла-ди.

сурунчали давом этади. Тама-ки тутичи энг аввало нафас йўллари орқали ўпкага тушиб, унинг деворларини яллиғлан-тиради. Шунинг учун ҳам йўтал кашандалар ҳамроҳи ҳисобланади. Кашанда сурун-кали бронхит, эмфизема (ўпканинг кенгайиб кетиши) каби касалликларга мубтало бўлади. Бронхларни химоя қилиб турувчи ҳужайралар ўлади. Шу сабабли кашанда-лар чекмайди деганларга қара-ганда 10 мартадан кўпроқ на-фас йўллари касалликлари би-лан оғрийдилар.

Узоқ муддат ва кўп чеккан кашандалар асабий, жиззакчи бўлиб қолади, тез чарчайди, жаҳлдор бўлади, эслаш қоби-ляти пасаяди, ўқтин-ўқтин боши оғрийдди. Тамаки эсти-аъзоларининг ишини ҳам из-дан чиқаради масалан, таъм билиши бузилади ва кўриши ёмонлашади, эшитиши паса-яди. Тамаки юрак-томир ти-зиммига ҳам ёмон таъсир қила-ди. Чекканда юрак уриши тез-лашиб, даққасига 90-100 га-ча кўпаяди.

Никотин меъда ва ичаклар-нинг қисқаришига ёмон таъ-сир қилади. Натижада овқат ҳазм бўлиши бузилади. Меъ-да-ичаклар яхши қисқармас-лиги, ярим ҳазм бўлган овқат-нинг туриб қолишига сабаб бўлади. Шунингдек, никотин таъсирида ичаклар сиқилади ва луқманнинг сўрилиши бузи-лади, ичак деворларида қон айланиши ёмонлашади. Тама-ки чеккиш жигар ва ошқозон

безига ҳам салбий таъсир кўрсатади ва кўпгина аллер-гик касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан чеккиш натижа-сида бронхит астма, мигрен, квинке шиши, дерматитлар (ринит) каби оқибатларга олиб келади. Че-киш юрак усти безида гор-монлар ишлаб чиқаришига ҳам таъсир қилади ва қон бе-симинг 20-25 фоизга кўта-рилишига олиб келади. На-тижада юракка ортиқча юк ту-шади. Тана аъзоларининг қон билан таъминланиши издан чиқади. Шунингдек, узоқ вақт чеккиш атеросклероз касали-гига ҳам сабаб бўлади. Тама-ки организмда витаминлар, айниса С витаминининг син-гилани қамайтиради, қон то-мирларга келаётган холестериннинг чўкиши ва атероск-лероз тезлашади. Шу билан бирга тамакки юрак миокард инфарктининг асосий сабаб-чи ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, чеккиш сингари захарли одат-лар фақат соғлиққа ва иш қобилиятига зарар етказиб қолмай, оила бюджетига ҳам салбий таъсир қилади. Шу-нинг учун ҳаммини турли ка-салликларнинг келиб чиқиши-га ва бевақў ўлимга сабабчи бўладиган зарарли одат—та-маки чеккишдан воз кенчишга чакиримиз.

Дилдора МИРБОЕВА, Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиа-ли директори

«02»: ҲОДИСАЛАР

А.Темур хиёбонида соат 23.00 да, 1984 йилда туғилган, ишламайдиган Тошкент шаҳрида яшовчи А.Ҳакимов ва 1987 йилда туғилган, ишламайдиган, Тошкент шаҳрида яшовчи У.Ҳўжаниёзовлар 1981 йилда туғилган Фаргона вилоятида яшовчи А.Хол-мирзаевни лезви билан кўрқитиб, у билан юзига жароҳат етказиб, қўлидаги «Самсунг» уяли телефон аппаратурини, «Юнитель» сим картаси ва 100.000 сўм пулини тортиб олиб, қочиб кетишаётган вақти-да, шу ерда хизмат олиб бораётган, «Тун» махсус тадбирга жалб қилинган Патруль пост хизмати хо-димлари томонидан қўлга олинди. Ҳозирги вақ-тида айбланувчиларга нисба-тан жиноят иши қўзғати-либ, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Устидан кўзғатилган жино-ят иши юзасидан олиб бо-рилатган тергов ҳаракат-лари давомида маълум бўлишича, содир қилинган жиноятлари қаторида, Чи-лонзор туманида соат 01.35 да эшигини сих ёрдамида очиб йўли би-лан, шу туманда яшовчи С.Костиннинг уйи олдида қаровсиз қолдирилган «Нексия» русумли автоуло-видан 123.000 сўм пули ва «Кендув» автомагнитоласи-ни ўғирлаб кетгани аниқ-ланди. Тергов давом эт-моқда.

Сергели туманида тун-ги соат 01.00 да 1986 йил-да туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Тошкент вилоятида яшовчи Ю.Бо-рисов, таниши 1974 йил-да туғилган ишламайдиган, Тошкент шаҳрида яшовчи А.Мирзаевнинг уйида меҳмонда бўла туриб, хо-надон соҳибсининг уқлаб қолганлигидан фойдала-ниб, 700 АҚШ долларини ва «Нокия» уяли телефон аппаратурини ўғирлаб кет-ган. Тергов ҳодимларинг олиб борган чора-тадбир-лари натижа-сида гуноб-ланувчи Ю.Борисов ўмирлик хатти-ҳаракатларини ис-ботловчи далил ашёлар билан қўлга олинди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракат-лари олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилоятида яшовчи Эркинчи Гофуро-вани ишонтириб, «Корей» давлатига ишга юборман-деб алдаб, 1.000.000 сўмини олиб, ғойиб бўлган. Эслатиб ўта-миз, Қодирова олдин ҳам айнан мана шундай фирибгарли-ги учун судланган эди.

Ушша шахсларнинг ўзла-

да яшовчи, ишламайдиган 28 ёшли Алишер ҳам фирибгарлиги учун қўлга олин-ди. У уй бекаси, шу туман-да яшовчи Феруза Қодиро-вани ишонтириб, «чет элга ишга «жўнатман» деб алдаб 850 АҚШ долларини олиб, ғойиб бўлган. Шу туманда яшовчи уй бекаси Клара Му-ротовадан ҳам худди шу йўл билан 400 АҚШ долларини олиб қўйиб, қайтариб бер-маган. Ҳозирги вақтда юқоридаги фирибгарларга нисбатан жиноий иш қўзғати-либ, тергов жараёни да-вом этмоқда.

Юлдаз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 21 июнь кун соат 11.00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида очик аукцион савдоларни ўтказди. Аукцион савдоларига Шайхонтоҳур туман суд ижрочилиари бўлинимаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қайтадан қўйилади.

2007 йил 2 январдаги 6-7/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Беруний кўчаси, 3/4-уй манзилидаги Тошкент шаҳар Шай-хонтоҳур туман жиноят ишлари бўйича суди ҳовлисида сақланаётган, 1999 йилда иш-лаб чиқарилган ва давлат рақами 10J00-02 бўлган «Нексия-сон» русумли автотранс-порт воситаси, Бошланғич баҳоси — 8930000 сўм.

2006 йил 14 августдаги 11580/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «Эски Жўва дехқон бозори» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги «Сабзор» автотур сақлаш масканида сақланаётган 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10AU101 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9074000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилиари бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига ижро ҳуж-жат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз микдорига закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альсан» минибандида, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топ-ширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пуллари-ни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуй-идаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. тел.138-69-94. Лицензия DB001 №000010



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланган. «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6